



# ҲОКИМИНИНГ ҚАРОРИ

# РЕШЕНИЕ ХОКИМА

АНДИЖАНСКОЙ ОБЛАСТИ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

170131, Андижон шаҳри,  
Абдурауф Фитрат номли кўча, 239,

170131, г. Андижан, ул. им. Абдурауфа  
Фитрата, 239.

Тел.: 8 (374) 222-15-36, Факс: 222-14-18, [http://www, andijan.uz](http://www.andijan.uz), e-mail: umumiy (a) andijan.uz

01.12.16 № 439-У

## Вилоятнинг марказий кўчаларида манзарали дарахт ва бута кўчатларини экишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Вилоятнинг марказий кўчалари ва хиёбонлари замонавий архитектура-дизайн талабларига мос манзарали дарахт ва бута кўчатлари экишни ташкил этиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2016 йил 11 ноябрдаги “Республиканинг марказий шаҳарларида манзарали дарахт ва бута кўчатларини экишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ЭДО-03-12-6-сонли йиғилиш баёнида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-, 25-моддаларига асосан

### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2016 йил 11 ноябрдаги “Республиканинг марказий шаҳарларида манзарали дарахт ва бута кўчатларини экишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ЭДО-03-12-6-сонли йиғилиш баёнида белгиланган топшириқ ва вазифалар раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Андижон шаҳрининг марказий кўча ва хиёбонларида манзарали дарахт ва бута кўчатларини экиш 1-иловага, вилоят ҳокимлигининг гуруҳлар ва котибиятлар кесимида 2016 йил куз ойида манзарали дарахт ва бута кўчатларини экиш ҳажмлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгиланган ҳажмдаги манзарали дарахт ва бута кўчатларини Андижон шаҳрининг марказий кўчалари ҳамда хиёбонларига экилиши 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Андижон шаҳрининг марказий кўчаларида манзарали дарахт ва бута кўчатларини экишни ташкил этиш мақсадида 4-иловага мувофиқ вилоят ҳокимлигининг ишчи гуруҳи тузилсин.

5. Вилоят Ўрмон хўжалиги бошқармаси (Қ.Обидов)га Андижон шаҳар ҳокимлиги (Тажибоев) билан биргаликда 2016 йил куз ойида шаҳарнинг марказий кўчалари хиёбонлари, маҳаллалар, йўл ёқалари,



кўча ва хонадонлар, барча корхона ва ташкилотлар ён атрофларига 1-иловада белгиланган хажмларда манзарали дарахт ва буталарнинг турларини тўлиқ экилишини ташкил этиш вазифаси топширилсин.

Бунинг учун:

- бириктирилган ўрмон хўжалиги, Андижон шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги ободонлаштириш бошқармаси ва бошқа тегишли ташкилотлар мутахассисларидан иборат кўчат экиш отрядларини шакллантириш;

- манзарали дарахт ва бута кўчатлари экиладигон ҳудудларни белгилаб олиб, ушбу майдонларни ободонлаштириш ва кўчат экишга тайёрлаш;

- манзарали дарахт ва бута кўчатларини марказлашган ҳолда ўрмон хўжаликлари томонидан шартнома асосида ўз вақтида жойларга етказиб берилишини ташкил этиш;

- энг муҳими, ҳар бир экиладиган манзарали дарахт ва бута кўчатларини тўлиқ кўкаришини таъминлаш мақсадида, мутахассислар томонидан фақат белгиланган экиш схемаси бўйича, маҳаллий ўғит ва бошқа зарур аралашмаларни солган ҳолда экишни ташкил экиш ва суғориш тизимини жорий этиш талаб этилади.

#### **6. Андижон шаҳар ҳокимлиги (Тажибаев)га:**

- етказиб бериладиган манзарали дарахт ва бута кўчатлари учун ўрмон хўжалиги ва бошқа кўчат етиштирувчи субъектлар билан шартномалар тузиш ва маблағларини олдиндан тўланишини таъминлаш;

- жойларда вилоят ва шаҳар корхона ва ташкилотлари томонидан экилган манзарали дарахт ва бута кўчатларини камида икки йил давомида барча агротехник талаблар асосида парвариш қилинишини таъминлаш;

- манзарали дарахт ва бута кўчатларини экиш отрядларини техника, транспорт воситалари, маҳаллий ўғитлар, ёқилғи-мойлаш материаллари билан таъминлаш масалаларини ҳал этиш;

- ушбу муҳим тадбирни жойларда тизимли ташкил этиш ва мувофиқлаштириб бориш мақсадида уч кун муддатда Андижон шаҳар ҳокими раҳбарлигида махсус “Кўчат экиш штаби” ташкил этиш;

- мавсумда манзарали дарахт ва бута кўчатларини экилишини кунлик миниторингини юритиб, мавжуд муаммо ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этиш мақсадида мунтазам муҳокама қилиб бориш вазифалари топширилсин.

**7. Вилоят ҳокимлигининг гуруҳлар ва котибиятлар раҳбарлари Андижон шаҳар ҳокимлиги (Тажибаев) билан биргаликда уч кун муддатда вилоят ҳокимлигининг гуруҳлар ва котибиятлар тизимига кирувчи корхона, муассаса ва ташкилотлар кесимида шаҳарнинг марказий кўча ва ҳиёбонларида манзарали дарахт ва бута кўчатларини экиш ҳажмларини белгилаб берсин.**



8. Андижон шаҳар ҳокимлиги (Тажибаев)га уч кун муддатда 1-иловадаги тақсимотга асосан вилоят ва шаҳар корхона ва ташкилотлари ҳамда бошқа субъектлар томонидан манзарали дарахт ва бута кўчатларини экиш ҳажмлари бўйича манзилли рўйхатини тасдиқлаш вазифаси юклатилсин.

9. Вилоят Архитектура ва қурилиш Бош бошқармаси (Кенжаев), вилоят Ўрмон хўжалиги бошқармаси (Қ.Обидов)ларга, жойлардаги давлат объектлари, ижтимоий соҳа муассасалари, ҳиёбонлар ва кўчаларнинг жойлашиш аҳамиятига кўра архитектура-дизайн меъёрий талабларидан келиб чиқиб, манзарали дарахт ва бута кўчатларини экишнинг намунавий схемаларини ишлаб чиқиб уч кун муддатда ҳудудий штабга етказиб берилишини таъминлаш вазифаси топширилсин.

10. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (Маматов)га икки кун муддатда 2016 йил куз ойида манзарали дарахт ва буталарни экиш мониторингини мунтазам юритиб бориш мақсадида вилоят штабини ташкил этсин ҳамда амалга оширилган ишлар натижаси бўйича кунлик маълумотларни Республика ишчи гуруҳига тақдим этиб бориш вазифаси юклатилсин.

11. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (Маматов) ва Андижон шаҳар ҳокими (Тажибаев) ларга:

- 2016 йил куз ойида экилган манзарали дарахт ва бута кўчатларини хатловдан ўтказиб, кўчатларнинг тури ва сони, кўчат экилган ҳудуднинг аниқ манзили ва масъуллари тўғрисида электрон маълумотлар базасини шакллантириш;

- жойларда кўчатларни экиш сифати, парваришлаш ишларининг бориши, кўчатларнинг кўкариши бўйича мунтазам назорат тизимини ўрнатиб, амалга оширилган ишларнинг натижаси бўйича вилоят ҳокимлигига маълумот тақдим этиб бориш вазифалари топширилсин.

12. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Ш.Шералиев ҳамда А.Жалолов зиммаларига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Ш.Абдурахмонов